

Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича
судлов хайъатининг
А Ж Р И М И

2021 йил апрель ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати, очик суд мажлисида, раислик этувчи С.Тоганов, хайъат судьялари М.Махмудов ва З.Якубовдан иборат таркибда, Т.Юлдашевнинг котибалигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори У.Қурязов, судланган Ҳ.Матякубов, унинг адвокати Р.Жуманиязов иштирокида, жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг 2021 йил 9 мартдаги ажримига кўра,

Матякубов Ҳикматжон Баходирович, 1981 йил 15 ноябрь куни Хоразм вилояти, Урганч шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, илгари “Ҳазорасп пахта тозалаш” АЖ бош директори бўлиб ишлаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланган, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, П.Махмуд кўчаси, 5-йўлак, 30-уйда яшовчига

нисбатан чиқарилган ажрим устидан Ҳ.Матякубов томонидан хусусий тартибда келтирилган шикоятини иш материаллари билан биргаликда апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг 2021 йил 9 мартдаги ажримига асосан, судланган Ҳ.Матякубовнинг илтимосномаси қаноатлантирилмасдан қолдирилиб, жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп тумани судининг 2019 йил 4 мартдаги Ҳ.Матякубовга оид ҳукмига нисбатан апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш рад қилинган.

Суднинг ажримидан норози бўлиб, Ҳ.Матякубов хусусий тартибда келтирган шикоятида, ўзига нисбатан чиқарилган ҳукм устидан апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш юзасидан судга берган илтимосномаси асосиз равишда рад қилинганлиги ҳақида важлар келтириб, суд ажримини бекор қилиб, апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклаб беришни сўраган.

Судлов хайъати иш бўйича раислик этувчи С.Тогановнинг маърузасини, прокурор У.Қурязовнинг суд ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган Ҳ.Матякубов ва унинг адвокати Р.Жуманиязовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини шикоятда келтирилган важлар билан биргаликда муҳокама

қилиб, қуйидагиларга кўра суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁵-моддасида, ҳукм устидан шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ иш ҳолатларидан кўринишича, мазкур жиноят иши бўйича биринчи инстанция судининг 2019 йил 4 мартдаги ҳукмига нисбатан Ҳ.Матякубов томонидан 2019 йил 26 июнда кассация тартибидаги шикоят келтирилганлиги боис жиноят иши юқори босқич судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация инстанциясининг суд муҳокамаси даврида Ҳ.Матякубов ўзи томонидан келтирилган шикоятни кўрмасдан қолдиришни сўраб 2019 йил 13 августда ёзма ариза билан мурожаат қилганлиги сабабли жиноят иши кўрилмасдан қолдирилган.

Апелляция суд мажлисида Ҳ.Матякубов ёки унинг адвокати Р.Жуманиязов томонидан апелляция шикоятини бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар такдим қилинмади.

Судлов ҳайъати иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг 2019 йил 4 мартдаги Ҳ.Матякубовга оид ҳукмига нисбатан апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, республикамызда 2020 йилнинг март ойидан карантин чекловлари ўрнатилганлигини сабаб қилиб, ҳукм устидан шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Бинобарин, судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³¹, 497³⁴-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг 2021 йил 9 мартдаги Матякубов Ҳикматжон Баходировичга оид ажрими ўзгаришсиз, келтирилган шикоят каноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик этувчи	имзо	С.Тоганов
Ҳайъат судьялари	имзо	М.Махмудов
	имзо	З.Якубов

Аслидан тўғри: